*Маънавий заҳиралар*

# ҲАМИША ҚЎМСАГАНМИЗ

Бугун мустақиллик ҳақида ҳамма тўлиб-тошиб, топиб-тутиб гапиряпти. Мустақилликнинг тарафдорлари кўп. Айни пайтда уни зимдан хуш кўрмайдиган, «бунинг нимасига бунчалик учасизлар, усиз ҳам бинойидек яшаб келаётгандик-ку, мустақиллик деганингиз бу бозор тўла савдогару кўйлагига атир пурқаган, учар, ишбилармон ёшлангми-»? дея тутун қайтарадиганлар ҳам йўқ эмас.

Бизнинг авлод, менинг назаримда, мустақилликка қучоқ очган, уни ҳамиша қўмсаган, ғойибона унга ошиқ бўлиб, интилиб яшаган десам ёлғон бўлмайди. Чунки бизнинг тоифадаги ҳозирда 40-60 ёш ўртасидаги одамлар: миллатпарвар, ватанпарвар, юртсеварлар ўтган тузумда очиқ ёки зимдан тазйиқ остига олиниб келинган. Демакки, бизнинг авлод ҳамиша ичида бир чуқур дард ва ваҳм билан игна устида юргандек яшаган.

Бугун: «Мустақилликни ўзбек халқи қон тўкиб қўлга киритибдими, шунчаки, мустақилликка чиқиш расм бўлди-ю, ҳамма қатори катта мамлакатдан ажралиб чиқишга мажбур бўлишди» дейдиганлар бор. Тағин бундай шахслар бегона бўлмай, ўзимизнинг одамлар, яқинлар, миллатдошларимиз.

Мустақиллик даври ёки бугунги ўтиш босқичи ҳақида ҳам ҳар кимнинг ўз фикри-хулосаси мавжуд. Биров яхши бўлди, ажаб бўлди, зап бўлди, дейди, қувонади. Биров ёмон бўлди, расво бўлди, тирикчиликнинг мазаси қочди дейди, афсус чекади. Бизнинг авлод, шахсан мен, «замон қизиқарли бўлиб қолди» дейман. Ростдан ҳам, замон қизиқарли бўлиб қолди ва бўлиб боряпти. Қўл қовуштириб ўтирган бир одам йўқ. Ҳамма ўзини ўтга-чўққа урган, тирикчилик пайида ...

Замон одамларнинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратяпти. Қимирлаган қир ошяпти. «Сендан ҳаракат, мендан баракат» илоҳий ақидаси амалга киряпти. Ҳунари борнинг иши юришиб, қўли қимирлаганнинг оғзи қимирлаяпти. Рост, куни кеча Президентимиз Самарқандда таъкидлаб айтганидек, адашишлар, ноҳақликлар бўляпти. Порахўрлик. Бировнинг ҳақини биров еяпти. Бировларнинг меҳнатидан бошқаси яшаб қоляпти.. Деҳқоннинг, камхаржнинг нонини туя қилувчилар чиқяпти. Ҳаёт шундай, катта оқимда давом этяпти. Аслида, «бозор иқтисодиёти» деганлари ҳам шу бўлса керак. Инсонни пишитиш, чиниқтириш, ўтиш давридан олиб ўтиш, янги жамиятнинг янги одамига айлантириш учун шундай бир жараён талаб қилинса керак-да...

Юқоридаги даъвога нисбатан биз мустақилликка тайёрмидик, уни орзу-армон қилганмидик ёки шунчаки янги замонга буқаламун сингари мослашяпмизми, деган саволга мен бир томонлама, кескин жавоб бераман. Биз истиқлолга, мустақилликка бутун руҳимиз ва қалбимиз билан тайёр эдик. Уни орзиқиб кутардик. Мустамлакалигимиздан, қарамлигимиздан чуқур изтироб, азият чекардик, ор-номус қилардик.

Мен 1973 йилнинг сентябр ойида кундалик дафтаримга: «Чиқиб келаётган қуёш, отаётган тонг шаклида бўлгани билан панжаранинг моҳияти ўзгармайди» деб ёзиб қўйган эканман. Ёнидан «Океанлар ўраб олганидан Африкага не наф» сатри ҳам битилган экан...

Бунинг рамзий маъноси — инқилобни, совет ҳокимиятини қуёш қилиб кўрсатамизу, аслида бу панжара, эрк кушандасидир деган мазмунни берарди.

70-йилларнинг бошларида Китобда Ғайбулла Юсупов деган бир заковатли муаллим бўларди. (У кишини худо раҳмат қилсин). Мени мактабда ва ундан ташқаридаги мулоҳазаларим учун «Ёш Ойбек» деб атар ва кўпинча ёлғиз суҳбатларда «биз бу ҳолни бошдан кечирганмиз, ўғлим. Эҳтиёт бўлинг, ҳозир бу қарашларнинг мавриди эмас», дея мени аяр, ҳушёрликка чақирарди.

80-йилларда телевизорнинг қулоғини бурасангиз, тўрт программада ҳам баравар «Время» берилларди. То у тамом бўлмагунча ҳеч қандай кўрсатув кўролмас, она тилингизда бир оғиз сўз эшитолмасдингиз. Шундай пайтларда мен хуноб бўлиб: «Бу қандай бедодлик, Африкадаги сўнгги 35 давлат ҳам бирин-кетин мустақил, озод бўлиб олди, биз қачонгача шундоқ қолаверарканмиз?» десам, рафиқамнинг юзидан қони қочар, «хўжайин, ўзингизни ўйламасангиз — бола-чақангизни ўйланг» деб илтижо билан тикиларди.

Бизнинг авлод мустақиликка интиқ, унинг яқинлашишига бор вужуди билан ҳисса қўшар, авлодлар кўзини очар, мақолалар, китоблар ёзар, зиёлиларни жамиятни янгилашга, адолатли, мустақил давлат қуришга чақирар эди... Фақат бу тарихий жараённинг 90-йиллар бошларида, янги аср бўсағасида содир бўлишини каромат қилолмас, бунга ҳали ишончи йўқ эди.

Бироқ бу авлод ҳам — биз ҳам авлиё эмасмиз. Кўпда адашдик, камчилик-нуқсонларга йўл қўйдик. Бу қилмишларимиз билан ўша даврда ҳам, ҳозирда ҳам ҳижолатда қолиб келмоқдамиз.

Биз барча ишларимизни Президент Каримов номи билан боғлаймиз, уни алқаб, дуо қиламиз.

Худога шукурки, Президентни, унинг ислоҳотларини ўз ташаббуси билан қўллаб-қўлтиқлайдиган шундай ватанпарварлар бор. Шундайлардан биттасини мен ғойибона танийман. Бу Тошкент Давлат Иқтисодиёт университетининг ректори, академик Саидаҳрор Ғуломов. Бу одам Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб университет қошида лицей очди ва уни энг замонавий техника — компютерлар билан таъминлади. Университетнинг энг яхши домлаларини лицейга жалб этди. Чет тиллардан бирини асосий тилга айлантирди. Бундан ташқари, ҳамма ёрдамчи хўжаликларини харажатидан қочиб, ташлаб кетаётган, сотиб юбораётган бир даврда ички имкониятларидан фойдаланиб, университетнинг Юсуфхонадаги боғ-коттежларини сақлаб қолди. Унинг кўп сонли ходимларини иш ва маблағ билан таъминлади. Чорвоқ ёқасидаги денгиз манзилгоҳларини эслатувчи сўлим дам олиш масканини илм-маърифат чорбоғига айлантирди.

Университетдаги бизнес мактаби ёзги курсини бу жойга кўчириб, амалда жаҳоннинг барча илғор мамлакатлари иқтисодчи олимларини шу боғда жам қилди. Уларнинг барча харажатлари ҳисобини қилиб таъминлай олди. Натижада мана 5 йилдирки, бу сўлим масканда Америка, Англия, Франция, Италия, Германия, Ҳиндистон, Покистон, Малайзия, Индонезия, Исроил, Миср, Туркия ва бошқа кўплаб давлатларнинг иқтидорли олимлари ўзбек болаларига замонавий ишбилармонликдан сабоқ бериб келмоқдалар. Бу боғнинг сўлим гўшаларида инглиз, араб, немис, рус, француз тилларида сўзлашиб-чақчақлашиб юрган ўзбек ўғил-қизларини кўриб бошингиз осмонга етади.

Бу болалар ҳозирнинг ўзида чет эл элчихоналари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНЕСКО, Жаҳон Тинчлик Корпуси, Европа Иттифоқи ва бошқа нуфузли Халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги муносиб шериклари сифатида ёш давлатимизнинг кори хайрига ярамоқдалар. Мана шулар яқин истиқболнинг давомчилари бўлишлари тайин. Ғуломов каби миллатпарвар зиёлиларнинг яратган боғлари ҳозирнинг ўзида мева бериб, халқимиз орзуларини рўёбга чиқармоқда.

Мен бир зиёли сифатида истиқлолга, мустақил давлатимизнинг келажагига ишонаман. Кундан кун турмуш изга тушиб муаммолар ҳал бўла боради. Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ бўлиши турган гап. Аммо менинг чўчиганим, ақл меҳнатига, интеллектга жаҳон андозаларида юқори ҳақ тўланишидан маҳзурак бўлиб қоладиган ёшларимиз ўз Ватанларини жуда осон тарк этиб кетишмасмикин?! Шундоқ оғир замонда еб турган луқмасини бериб, янги, замонавий мутахассис тайёрлаб етиштираётган ўзбек халқи яна оғзидагини олдириб, ер чизиб қолмасмикин?!

Шундан эҳтиёт бўлмоқ керак, яхши, замонавий, билимдон кадрларни қадрига етиб, ҳамиша рағбатлантириб бориш лозим бўлади. Россия, Украина ва бошқа ҳамдўстлик мамлакатларида аллақачон анъанага айланиб улгурган ақл ва интеллект эмиссияси бизнинг ҳам яқин келажакдаги ташвишимизга айланмаса деб қўрқаман...

Биз, ота-боболари бой-мулкдор сифатида қулоқ қилиниб, совет даврида ғирт йўқсил бўлиб ўсган оилалар сирасига кирамиз. Одамнинг турмуши тўкис, ҳаёти фаровон, бойлик-бисоти бисёр бўлгани тузук. Фақат унинг назари паст, кўзи оч бўлмасин. Ўзбек халқи таги кўрган, кўзи тўқ, назари баланд, нуфузи юқори миллат. Салмоқдор, ҳал қилувчи бешинчи залворли қадамини қўяётган Ўзбекистонга, унинг бир суйгучи фарзанди сифатида, марҳабо истиқлол, хуш келибсан, жигарим Мустақиллик, ҳар қадамингга гуллар очилсин, дейман.

**Маҳмуд САТТОРОВ**

# ОЧИҚ ОЛАМГА ЧИҚАЁТГАНДА

Аждодларимиз ўз ўтмишлари ва тарихда тутган ўринларининг «ҳалокатли ва мудҳиш» бўлмаганлигини яхши билар эдилар. Бизлар ҳам бу ҳақиқатни англаб олмоғимиз зарур.

Тарихимиз бошқа халқлар тарихи каби юксалиш ва инқироз кезларини бошидан кечирган. Саводсизлик, ижтимоий қолоқлик, мустабидлик,янги фикр кишиларини ўлдириш ҳоллари юз берган.

Тарих иноят қилиб ичимиздан бизга буюк шоирлар, салоҳиятли саркардалар, ўлмас алломаларни етиштирган. Жўнгина андозалар билан тарихни ҳозирги ёшларга ибрат қилиб бўлмайди. Негаки, тарихни ўрганиш билан уни англаб етиш ўртасида ҳамма вақт фарқ бўлган. Ҳар бир авлод тарихни янгича ўқийди. Чунки янги муносабат ва маълумотлар билан шаклдан шаклга ўтиб боради. Ҳозирги замон ўқувчисининг ақлий ва маданий савияси ўзгача. Уни ўз она юртига ва жаҳон тарихига бўлган жиддий, холис муносабатлар қизиқтиради.

Демократик янгиланишлар палласи, бу руҳий покланиш, истиқлол тараққиётига ғов бўладиган маънавий риёкорликдан қутулиш даври ҳамдир.

Азиз замондошим! Бизнинг иш-амалимиз истиқлолга нима бермоқда? Биз фикр юритмоқчи бўлган масала ана шу хусусда.

Тарихдан яхши маълумки, 1865 йилдан бошлаб Туркистон Чор Россияси томонидан истило этилди ва рус истилосини Туркистон учун ижобий ҳодиса деб тушунтирилди. Тўғри, фан-техника, маданият соҳасида ўзгаришлар бўлган, аммо том маънодаги модернизация амалга ошмади. Аслида истилочилар бизларни мутеълик, гумроҳлик ҳолатида ушлашни маъқул кўрдилар. Миннат кўпайиб, мутеълик ошди.

Тутқунлик асорати ҳам иқтисодий аҳволимиз, ҳам маънавиятимиз тараққиётига салбий таъсир этди.

Иш юзасидан эски раҳбарларимизнинг бири билан суҳбатда бўлдим, унинг теран фикр-мушоҳадаси кишини лол этади. У киши раҳбар ёки ҳоким янги истиқлолият мактабида малака олсин дейди, чунки унда нутқ ҳам, салоҳият ҳам, маънавий идрок ҳам, иймону эътиқод ҳам мужассам бўлиши керак.

Гап-гаштаклардан бирида отахонларимиз суҳбатида ўтириб, ачинарли бир аҳволнинг гувоҳи бўлдим. Ибрат тариқасида сўз кетар экан, палончини қўй, унинг вафотига шунча йил бўлди. Бўладиган гапдан гапир. Шаҳарда нон неча пул? Буғдойни тегирмон қилиш шароити борми? — дейишади. Бор дейман, аммо ўйга толаман.

Илгари халқимиз давратўйларида навоийхонлик, бедилхонлик, машрабхонлик, илоҳий китоблар қироат-таҳсиллари ҳеч канда бўлмас эди. Нима, энди у замонлар ўтиб кетдими? Ёшларимизга қандай панд-насиҳат қилмоқдамиз? Уларга одоб-ахлоқ меъёрлари ҳақида қандай маълумот бераяпмиз. Агар таълим-тарбия доираси торайган бўлса, кечикмай қобиқни кенг олишимиз зарур. Ана шунда биз истиқлол ва иймонга хизмат қилган бўлмаймизми? Боболаримиз руҳи хурсанд бўлмайдими?

Навқирон авлод киндик қони тўкилган шу заминга, истиқлол ишига садоқатли, она-Ватан туйғусини ҳис этувчи маънавияти юксак бўлмоғи лозим. Юксак ахлоқ ёш авлод руҳига сингдирилса, у келажак учун мева бериб, ҳаётга таровват бахш этади.

Гапнинг очиғи, бугунги мактаблар ҳақида тинимсиз ўйлашга тўғри келади. Нега деганда, ҳозирда умумий ўрта мактаблар тарбияси бугунги истиқбол мафкурасига тўлиқ жавоб бера олади дея олмаймиз. Бугунги қийинчиликлар қобиғидан қутула олмаслик — бу келажакка умид билан қараш кайфиятининг сустлиги ва дадил қадамлар ташлашга журъатнинг етишмаслигидан, яъни саъй-ҳаракатларимизнинг назорат остига олинишига одатланганимизда. Ўз болаларимиз ҳаракатларини уйда, ётоқда, жамоат жойларида назоратга олиб, уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати ҳақида ҳисобот ёзишга кўникканлигимизда. Ҳатто маънавият соҳаларида ҳам «кўрсатма»лар бўлмаса, гаранг бўлиб қолишимизда. Болаларимизни ўз ватанимизда, ўзимиз чегаралаб қўйишимиз керакми? Бундай қилиш мумкин эмаслигини яхши англамоқдамиз. Аммо янги йўл топиш қийин кечяпти. Бизни каловлантириб қўйган нарса ҳам ана шу эмасми? Бунга бардош беролмаган киши бугун енгиллик истаб, ўз касбидан узоқлашмоқда. Бу ҳол айниқса халқ таълими соҳасида анча билиниб қолди. Бу борада кўрилаётган тадбирлар етарли эмас. Чунки истиқлол тараққиёти учун янада ғайрат қилишимиз зарур бўлади. Юқори синф ўқувчиси ота-онасига ёрдам берса, ёмонми? Боланинг бозорга чиқиб, отасига ёрдам бериши мумкинлигига бизлар ҳали кўника олганимиз йўқ. Аммо шу бола 10-12 соатлаб пахта терса, тамаки экса, пиллага барг юлса, ғишт қуйса — бу гўёки одатий ҳол. Бирини қабул қила олмаймиз, иккинчисига эса кўникиб қолганмиз. Истиқлол ана шу йўналишдаги тартиб-интизом, йўл-йўриқ қандай бўлиши лозимлиги масаласини олдимизга қўймоқда.

Чет элда таълим олаётган талаба бўш вақт топиб, бошқа бир меҳнат билан ҳам машғул бўлади. Бу билан у маълум маънода ўз турмушини енгиллаштиради. Талабанинг маълум ортиқча вақти бор. Ана шу куч ҳам ижобий самаралар сари йўналтирилиши бугунги авлод маънавияти учун қайғурадиган ишбилармон замондошларимизнинг зиммаларидаги бурчлардан бири эканлигини англамоғимиз зарур. Абдулла Авлоний ахлоқий тарбиянинг кўлами кенглигига ишора қилиб, «тарбия бизлар учун ё ҳаёт-ё мамот, ё нажот-ё ҳалокат, ё саодат-ё фалокат масаласидир», — деганида, маънавиятнинг кенг қамровини ўйламаганмиди?

Куни кеча қўпол маънавий хатолар, самарасиз меҳнатга кўниккан эдик. Энди миллий жамият, миллий турмушда бунга асло йўл қўёлмаймиз.

Маънавий янгиланиш ва янги инсон тарбияси учун турли жабҳаларда инқилобий интилиш ва дадилликлар керак. Замоннинг ўзи тарбияни изга солади, кишилар шуури ва фикрини истиқлол томон буриб юборади, деган «суст» ақидаларга қараб тура олмаймиз. Чунки истиқлолнинг бурчи баланд, масъулият юки залворли.

Туркистон уйғонмоқда. У ўзининг қудрати ва баркамол фарзандлари билан аллақачон очиқ оламга чиққан.

**Акбар АСРОРОВ,**
**филология фанлари номзоди**

# ЧЎЛПОННИНГ ЯНА БИР ТАХАЛЛУСИ

20-30-йиллар ўзбек матбуоти саҳифаларини варақлаган кишининг ўнлаб, ҳатто юзлаб тахаллусларга дуч келиши аниқ. Бу тахаллусларнинг кичик бир қисмигина мутахассислар томонидан аниқланган. Аммо қолган турли-туман мустаор тахаллусларнинг кимга мансублиги, афсуски, ҳанузгача номаълум бўлиб келмоқда. Агар шу кеча-кундузда Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон сингари буюк адибларимизнинг «Тўла асарлар тўплами»ни нашрга тайёрлаш устида иш бораётганини эътиборга олсак, тахаллуслар муаммосига зудлик билан ойдинлик киритиш зарурлиги кундек равшан бўлади.

XX аср ўзбек адабиётининг забардаст сиймоларидан бири Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон 1913—1937 йиллар орасида ҳозирги Ўзбекистон, Татаристон, Бошқирдистон ва Озарбойжон тасарруфида нашр этилган кўплаб газета ва журналларда ўз асарлари билан қатнашган. Бу асарларнинг аксар қисми унинг бизга маълум бўлган Абдулҳамид Сулаймон, Чўлпон, Андижонли, Қаландар сингари тахаллуслари билан имзоланган. Лекин шу билан бирга унинг, масалан, «Муштум» журнали саҳифаларида чоп этилган ҳажвияларининг қандай тахаллуслар билан имзолангани масаласи ҳали ўрганилмаган.

1923 йилнинг 18 февралидан бошлаб Тошкентда нашр этилган «Муштум» журналининг доимий муаллифлари орасида Чўлпон ҳам бўлган. Ўзбек вақтли матбуотининг илк тадқиқотчиларидан бири Зиё Саид «Муштум» журнали ҳақида маълумот бериб, бундай сўзларни ёзган: «Бунда ишлаб келганлар: Чўлпон, Ғози Юнус, Жулқунбой (биринчи галда), Акрам Усмоний, Хуршид, Мўминжон Муҳаммаджон ўғли (иккинчи галда), ҳозирда Зиё Саид ва исфаралик Носир Саидлар ишлаб турадилар».

Абдулла Қодирий эса ўзининг бир ҳажвиясида журналнинг ташкил бўлишига доир қуйидаги маълумотни берган: «23-йилнинг февралида шекилли «Туркистон» газетасига ўртоқ Абдулҳай Тожи муҳаррир белгиланди ва шу ўртоқ бир кулки журнал чиқарингиз, деб мен билан Ғозини (Ғози Юнусни — Н. К.) чақирди. (Бу вақтда Ғози газетанинг мудири эди). Биз иков ишга киришдик-да, натижада саккиз сонча «Муштум» чиқди. Шу ўртада ўртоқ Абдулҳай газетдан кетди, унинг кетиши билан (идоранинг оқчасизлигидан бўлса керак) мен ҳам ишдан озод қилиндим. Журналга четдан ёрдам берувчи, яъни озод ёзғишувчи сафига кирдим».

Кўрамизки, Абдулла Қодирий Чўлпоннинг «Муштум»да ишлаганлиги тўғрисида бирор маълумот бермаган. Шунинг учун ўзбек журналистикаси тарихидан бехабар кишилар Чўлпонни Абдулла Қодирийдан кейингина журнал таҳририятига ишга келган, деб ўйлашлари мумкин. Ҳолбуки, бундай тахминни қуйидаги мулоҳазалар рад этади: Биринчидан, Зиё Саид журналнинг дастлабки муҳаррирларидан бири бўлганлиги сабабли «Муштум»нинг кимлар томонидан нашр этилганлигини яхши билган. Иккинчидан, «Муштум» «Туркистон» газетасининг муҳаррири Абдулҳай Тожиевнинг шахсий ташаббуси билан эмас, балки Туркистон болшевиклар фирқасининг топшириғига кўра шу газетага ҳажвий илова тарзида нашр этилган. Абдулҳай Тожиев «Муштум»ни ташкил этар экан, шу вақтда «Туркистон» газетасида бўлим мудири бўлиб ишлаган Ғози Юнус билан бирга ўзининг яқин дўсти ва маслакдоши Чўлпонни ҳам журнал таҳририятига ишга таклиф этган. Учинчидан, 1924 йили Москвада Ўзбек драм студияси ташкил этилиб, Чўлпон бу студияга адабий эмакдош сифатида юборилгандан кейин «Муштум» таҳририятида ишлаши мутлақо мумкин эмас. Абдулла Қодирий Чўлпонни тилга олмаганига қарамай, у «Муштум»нинг илк сонидан бошлаб ишлай бошлаган ва Москвага юборилганидан кейингина унинг ҳажвий фаолияти сусайган бўлиши мумкин.

Зиё Саид, афсуски, «Муштум»да қабул қилинган мустаор тахаллусларнинг кимларга мансуб эканлигини айтмаган ва қуйидаги маълумотни бериш билангина чекланган: «Журналга фаол қатнашиб келган мустаор имзолар: Жулқунбой, Чатоқ, Индамас сўфи, Мулла Мушфиқий, Шодиқул, Мулла Ҳолвайтар, Шапақ маҳзум, Сумалак авлиё, Норин шилпиқ, Мулла Чўқмор, «Мағзава, Шанъий (Шанғи бўлса керак — Н. К), Мулла Тўғаноқ ва бошқалар...».

Боис Қориев (Олтой) «Адабий тахаллуслар ҳақида» деган маълумотномасида Жулқунбой ва Индамас сўфи тахаллусларининг Абдулла Қодирийга, Чатоқ ва Шодиқулнинг Зиё Саидга, Мулла Мушфиқий, Сумалак авлиё, Мулла Чўқморнинг Ғози Юнусга, Мулла Ҳолвайтарнинг Тўхтамурод Аъламовга, Норин шилпиқнинг Абдулла Қаҳҳорга, Мулла Тўғаноқнинг Собир Ҳакимовга, Шанғининг Носир Саидга мансублиги ҳақида шаҳодат беради. Шундай қилиб , Зиё Саид берган мустаор имзолар орасида фақатгина Шапақ маҳзумнинггина кимга мансублиги масаласи қоронғи бўлиб қолади. Бу имзонинг Чўлпонга нисбатан берилишига эса етарли асослар кўринмайди.

Ҳўш, агар Чўлпон «Муштум»да «биринчи галда» ишлаган уч адибдан бири бўлса, у қандай имзолардан фойдаланган ва қайси ҳажвияларни ёзган? Афсуски, бу саволга бирорта ҳам манбадан жавоб ололмаймиз.

Шоир Олтойнинг юқорида зикр этилган «маълумотнома»сида икки ҳажвий имзонинг Чўлпонга мансублиги ҳақида гап бор. Лекин «Муштум»нинг имзоларини Чўлпон ҳаёт йилларидаги сонларида на Шумгиёҳ, на «Шунғия» имзоларини учратмайсиз. Лекин шу билан бирга журнал саҳифаларида бизга номаълум бўлган ўнлаб мустаор имзолар борки, улар орасида Чўлпонга ҳам мансублари топилса ажаб эмас. Ўйлаймизки, бу имзолар билан муҳрланган материалларни ўрганиш жараёнида Чўлпоннинг ўзига хос беозор ва енгил ҳажв билан суғорилган услуби бизга ёрдамга келиши мумкин.

Абдулла Қодирийнинг юқоридаги эътирофига кўра, у «Муштум»нинг 8-сони чиққунга қадар, яъни 1923 йилнинг 17 майига қадар журнал таҳририятида ишлаган, кейин эса «озод ёзишғувчилар»дан бири бўлган. Демак, унинг — журнал таҳририятидан кетган ёзувчининг «Муштум» тахаллуси остида ўз асарларини эълон қилиши маҳол. Бундай ҳуқуқ, шабҳасиз, фақат таҳририят аъзолари ва уларнинг яқин дўстларидагина бўлади. Шунинг учун (гарчанд Олтой «Муштум» тахаллусининг бирдан-бир соҳиби сифатида Абдулла Қодирийни тилга олган бўлсада) бу тахаллус остида айниқса Жулқунбойдан кейин Чўлпоннинг ҳам ўз асарларини эълон қилиши табиийдир.

Агар бизнинг шу тахминимиз тўғри чиқса, у ҳолда «Машраб» журналининг 1926 йил 40-сонида босилган «Муштум» имзоли шеър ҳам Чўлпонники бўлиб чиқади. «Муштум» «Машраб»ни кутлайдир» деб номланган ва бугун муштарийлар эътиборига ҳавола этилаётган бу шеър иккинчи ўзбек ҳажвий журнали 40-сонининг чиқиши муносабати билан ёзилган. 1924 йил 1 июнда, яъни «Муштум»дан қарийб бир йил кейин, «Зарафшон» газетасига илова тарзида чиқа бошлаган журналга Чўлпоннинг дўстларидан бири Ҳожи Муин муҳаррирлик қилган. «Машраб»нинг Ҳожи Муин муҳаррирлигида чоп этилган 40 сони журналхонлар ўртасида катта эътибор қозонган. Шунинг учун ҳам Чўлпоннинг «Машраб» ва унинг муаллифларини ўз шеъри билан «Муштум» номидан муборакбод этишида шубҳали ўрин бўлмаса керак.

«Машраб»нинг 40, юбилей сони 12 июнда чиққан. Агар худди шу вақтда Ўзбек драм студиясининг Самарқандга келиб, «Тегирмончи», «Лаббай», «Ёрқиной» ва «Қоровул уйқуси» ҳисобот-спектаклларини намойиш этганини эсласак, зикр этилган шеърнинг Чўлпон томонидан ёзилганини бир қадар ойдинлашади. Ниҳоят, шеърнинг услуби ҳам чўлпонона бўлиб, уни на Абдулла Қодирий, на Ғози Юнуснинг услуби билан адаштириш мумкин.

**Наим КАРИМОВ**

### «МУШТУМ» «МАШРАБ»НИ ҚУТЛАЙДИР
### («Машраб» рафиқимга)

Эй буродар «Машраб», аҳволинг қалай?
Тўйига еткунча уриндинг бир талай.
Бу тўйингга ман-да карнайлар чолай,
Ундан олдин ўртага дўстлик солай.
Сўнгра сандан ҳам бу ҳақда фикр олай,
Бунда кел, ман ҳам у ерга қўзғолай.

Бир замонлар биз эдик бир-бирга ёв,
Энди дўстлик аҳди тузгаймиз иков.
Айрилиқ сан ҳам мени айлар тумов,
Тўйни табрик этмадинг, деб қилма дов.
Авввало ўз сўзларим айтиб қолай,
Ўртага тўй табрикин сўнгра солай.

Тўй қилибдирсан, нечун ман билмадим,
Ҳам тўйингга ман нечук айтилмадим?
Бу сабабдан ман писанд ҳам қилмадим,
Айтмаганга суқ бўлиб интилмадим.
Йўқ эса тўёнам эрди бир талай,
Ўйладим аввалки, бағринг тирмалай.

Фикр бир, жисман фақат бўлдик узоқ,
Чунки булғаб подани неча бузоқ.
Ўртага унлар солиб эрди Чатоқ,
Тез тўйинг ўткар, бўлайлик иттифоқ.
Сан бу ён кел, ман у ёққа ўрмалай,
Сўзларим ол, ман-да сандан сўз олай.

Ўйла дўстим, биз иковимиз бир киши,
Бизга мақсад бирла маслак — халқ иши.
Бизни ўйлатмайдир элнинг ранжиши,
Ўтмагай бизга ёмонларнинг тиши.
Бой билан мулла, эшон, сўфи малай,
Сан қараб тур, яхшилаб бир эзғилай.

Бизга маслак — тўғри танқид, тўғри иш,
Ишчи-деҳқон душманин ерга уриш.
Рус, тожик, ўзбек барин бирдек кўриш,
Ким зиёли, ким зиёнли фарқ қилиш.
Шахсият, миллатчилик бўлсун далой,
Фирқа раҳбар бизга ҳақ пул бир талай.

Энди дўст бўлдик ҳисоблаб бу замон,
Янглишингдан озғина айлай баён:
Айла рассомингни мактабга равон,
Берсун ул рассомлик ила имтиҳон.
Сўнгра ишлат, санга бу сўзлар қалай?
Мақсад: аввал сўранг йўлға солай.

«Муштум»а кўбдур сўзим, кўмирдир оз,
Йўқса «Машраб»га буларди жойнамоз.
Тўйни табрики учун шул ози соз,
Истамам сўз бўлсун ортиқча дароз.
Энди бас, бу ерга ман хатчўб солай,
Тўй тугалсун, сўнгра сўзга йўрғалай.

**1926 йил** **МУШТУМ**

# МЎЙНОҚЛИК МУАЛЛИМ

Қорақалпоғистонда Жолимбет оғани танимаган одам бўлмаса керак. Меҳнатсеварлик, одамийлик, инсонпарварлик каби олижаноб фазилатлари билан кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлган. Жолимбет оға катта ҳаёт йўлини босиб ўтди. У 1920 йилда Мўйноқда туғилди. Меҳнат фаолиятини колхозда табелчиликдан бошлади. Сўнг Мўйноқда муаллим, Тошкентда овул хўжалик техникуми талабаси, Қўнғирот далаларида агроном, ер ишлари ходими, 1943 йилда Қўнғиротда райком ходими, сўнгроқ котиби, 1946 йилдан Тошкентдаги олий партия мактаби тингловчиси бўлди. 28 ёшли Жолимбет тоға Сеитниёзов Кегейлида раҳбарлик қилди, 4 йил давомида халқ хўжалиги соҳаларининг турли йўналишлари бўйича анча муваффақиятлар қўлга киритилди. 1952 йилда у Қорақалпоғистон Республикаси Министрлар советининг бошлиғи, Ўзбекистон маориф министри ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси маориф министри лавозимларида ишлади. 1981—1988 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг директори, ҳозирда эса шу институтнинг бўлим бошлиғи вазифасини бажариб келмоқда.

Жолимбет Сеитниёзов 75 ёшда. Куни кеча бу меҳнатсевар, ажойиб инсоннинг қутлуғ ёшини автоном республика жамоатчилиги, Халқ таълими вазирлиги ва Республика ўқитувчилар малакасини ошириш институти, А. Авлоний номидаги малака ошириш институти жамоаси нишонладилар. Ҳалол меҳнати эвазига орден ва медаллар, Крупская ва Қ. Ниёзий нишонлари билан мукофотланган Жолимбет оғани дўстлари, шогирдлари қизғин қутладилар.

**Т. ТОШЛОНОВ**

# ҚЎҚОНДА БИР МАСКАН БОР...

Қўқон педагогика билим юртининг ташкил топганига 75 йил тўлди.

1920 йили ўлкамиздаги маънавий-маданий соҳада инқилобий ҳаракат ташкилотчилари Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Тошмуҳаммад Қори Ниёзий оддий меҳнаткаш фарзандларини маъумотли қилишни ўзларининг муқаддас бурчлари деб билдилар.

Билим юртига қабул қилинган 30 талабага Пўлатжон домла Қаюмов, Ойшахон Ўрозбоева, Муҳаммаджон домла, Ашурали Зоҳирий, Субҳи Аббосов, Назир Тўрақулов каби ўқитувчилар дарс бера бошладилар.

1924 йилда билим юртини 13 ўқувчи тугатди. Улар «13 қалдирғоч» деб ном олдилар. Улар орасида Теша Зоҳидов, Мамажон Ўрозбоев, Райим Отажонов, Улуғ Турсунов, Фахриддин Шамсуддинов фан ва сиёсат арбоби бўлиб етишдилар.

Билим юртининг биринчи директори Қори Ниёзийнинг Тошкентга кетиши муносабати билан 1925 йили билим юрти Фарғонага кўчирилиб, унга «13 қалдирғоч»нинг бири Райим Отажонов директорлик қила бошлади.

1930 йилда шу билим юрти асосида Фарғона давлат педагогика олийгоҳи ташкил этилиб, ўқув юрти яна Қўқон шаҳрига қайтди.

Билим юрти саводсизликни тугатишда, жумҳуриятимиз илм-фани тараққиётига катта ҳисса қўшди.

Меҳнат қаҳрамони Усмон Юсупов, хизмат кўрсатган ўқитувчи Зайнаб Мирсалимова, Моҳруй Бўронбоева, ака-ука Раҳмоновлар, таниқли олимлар Жўра Саидов, Улуғ Турсунов, Зокир Ашурматов, Олим Аминов, Убай Орипов, Мамайсон Ўрозбоев, ёзувчилар Собир Абдулла, Абдулла Қаҳҳор, Худойберди Тўхтабоев шу ерда таҳсил олдилар.

1936 йилдан 1990 йилгача билим юрти «Правда» газетаси номи билан аталиб, 1990 йил 70 йиллик тўйи муносабати билан билим юртига унинг асосчиларидан бири Ашурали Зоҳирий номи берилди.

Билим юртининг республика миқёсида танилишида, юртимизга малакали мутахассислар тайёрлаб, мамлакат маданий-маънавий турмушини яхшилана боришида 30-40 йилдан ортиқ меҳнати билан қадр топган ўнлаб, юзлаб ўқитувчилар доимо ҳурмат билан тилга олинадилар.

Бугунги кунда Фарғона водийсининг салкам 1500 нафар ёшлари ана шу билим юртида таълим-тарбия олмоқдалар.

Давлатимизнинг истиқболи, мустақиллик ютуқларидан илҳомланиб ишлаётган билим юрти ёшларнинг камол топишида ҳормай-толмай меҳнат қилмоқда.

Мақсадимиз маънавий соғлом, мустаҳкам фикрли, ижодий меҳнат эгаси — ёш ватанпарвар ўқитувчини тарбиялашдир.

**С. АБДУЛЛАЕВА,**
**билим юрти директори.**
**Ш. МАҲМУДОВА**



Уни қадамингга ташлама бойлаб,
Қўйвор набирангни, отажоним, Шарқ...

